

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 16 февраль, № 32 (8375) Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати манзилли ва кенг қамровли. Хусусан, ўтган йили 9 минг 406 та маҳаллада ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиб, ёшларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш имконияти яратилди. Натижада улар мурожаатларини кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунга қисқарди. Айни пайтда етакчиларнинг тавсияси асосида йигит-қизларга 25 та ёрдам тури кўрсатилмоқда.

Ёш авлоднинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида 14 — 30 ёшдаги 9 миллион нафар ёшнинг баланси шакллантирилди. Бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидорини юзага чиқариш мақсадида 5 босқичли “Беш ташаббус олимпиадаси” ўтказиб келинмоқда.

Йиғилишда бу борадаги ишларни давом эттириб, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари битирувчиларни касб-ҳунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашга қаратилган “Ҳаёт мактаби” дастурини амалга ошириш ташаббусини билдирди.

Ёшларни эътибор ва ғамхўрлик билан тўла қамраб олиш мақсадида улар “маҳалладан вазирликкача” тизими орқали давлат идораларига бириктирилиши белгиланди.

Ёшларга ажратилаётган маблағларнинг шаклланиши ва молиялаштириш жараёнларини рақамлаштириб, мақсадли йўналтириш вазифаси қўйилди. Йигит-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бизнес кўникмаларини ривожлантириш бўйича кўрсатма берилди.

Ёшларимиз санъат, адабиёт, спорт соҳаларида ҳам интилувчан. Уларга бундай имкониятларни яқинлаштириш мақсадида ҳудудларда “Маданият карвони” тадбирлари, фестиваллар, интеллектуал ва спорт мусобақалари ўтказилади. Ёшлар сайилгоҳлари, креатив парклар ташкил этилади.

Ёшларни ёт ғоялар хуружидан ишончли ҳимоя қилиш учун муқобил ахборот ресурслари яратиб, бойитиб бориш муҳимлиги айтилди.

Йиғилишда мутасаддилар жорий йилда амалга ошириладиган ишлар юзасидан ахборот берди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, истеъмолчилар томонидан электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–269-сон Фармонига мувофиқ **Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси** (кейинги ўринларда — Ўзэнергоинспекция) ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармонига мувофиқ Ўзэнергоинспекциянинг Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган **жами бошқарув штат бирликлари сони 357 та**, шу жумладан, Ўзэнергоинспекция бошлиғи **ўринбосарларининг сони 2 нафар** этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзэнергоинспекция фаолиятининг **устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан (аҳолидан ташқари) ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш (қазиб чиқариш), қайта ишлаш, узатиш (ташиш), тақсимлаш ва истеъмол қилиш, уларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, ёқилғи-энергия ресурсларини талон-торож қилиш ва ноқонуний истеъмол қилишнинг бошқа ҳолатларини, шунингдек, уларни содир этишга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган ҳамда тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ёқилғи-энергия ресурслари ҳажми ўртасидаги тафовутларни аниқлаш ва бартараф этиш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан (аҳолидан ташқари) энергетика объектларида бахтсиз ҳодисалар ва технологик бузилишлар (авариялар)нинг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва унинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ҳамда энергия самарадор ва энергия тежовчи замонавий технологияларни жорий қилиш, шунингдек, энергия ресурсларини истеъмол қилиш самарадорлигининг мониторингини олиб бориш;

ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича истеъмолчилар (аҳолидан ташқари) томонидан бажариладиган чора-тадбирларнинг энергия самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) учун ёқилғи-энергия ресурслари истеъмолининг меъёрлари бажарилиши ва келгусида такомиллаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш.

3. Белгилансинки:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан Ўзэнергоинспекция ходимлари зиммасига уларнинг ваколатига кирмайдиган вазифаларнинг юкланиши тақиқланади;

давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар мазкур қарорга мувофиқ Ўзэнергоинспекцияга унинг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда ҳар томонлама кўмаклашиши шарт;

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 27 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 19 ноябрда маъқулланган

Сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳкумлар учун қулай шарт-шароитлар яратилишини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда, шу жумладан озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумларни сақлаш шарт-шароитларини инсонпарварлик нуқтаи назаридан янада яхшилашни назарда тутувчи қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, жиноят-ижроия амалиёти таҳлили ва жамоатчилик билан тўғридан-тўғри мулоқот натижалари маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш, уларни сақлаш шарт-шароитларини янада яхшилаш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларида меҳнатга жалб этилган маҳкумларга ҳақ тўланадиган ишлаш даврини уларнинг умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ушбу Қонун билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг умумий меҳнат стажига ишланган ҳамда ижтимоий солиқ тўланган даврни қўшиб ҳисоблашни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шу билан бирга, жиноят-ижроия қонунчилигига маҳкумларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ёхуд жазо турларининг қўлланилишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги нормалар, шунингдек маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини белгиловчи мезонлар киритилмоқда.

Мазкур Қонун маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги 938–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 5, 464-модда) **37-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги «**к**» **банд** билан тўлдирилсин:

«к) озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўташ даврида бажарадиган ҳар қандай иши, агар ушбу иш бажарилган давр учун жазони ижро этиш муассасаси томонидан ижтимоий солиқ тўланган бўлса».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 6, 337-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

**(Давоми 2-бетда).**

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

*Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси 77-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинди ва тарқатилди.*



**Таҳлил**

Ҳужжат БМТнинг олтита расмий тили — араб, хитой, инглиз, француз, рус ҳамда испан тилларига ўгирилди ва барча аъзо давлатлар, БМТнинг ихтисослаштирилган агентликларига тақдим этилди, шунингдек, ташкилот журнали ва Расмий ҳужжатлар тизимида A/77/700 рақами остида жойлаштирилди. Унда Ўзбекистон БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўришда давом этаётгани урғуланган.

Бу эса янги Ўзбекистон раҳбариятининг “ижтимоий давлат” қуриш тамойилига қатъий амал қилаётганидан, фуқароларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун жамиятда тенг имкониятлар яратиш, муносиб ҳаёт кечириш ва камбағалликни камайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга интилаётганидан далолат.

Жайдари қилиб айтганда, бу одамийлик ва эзгулик тамойилларига асосланган сиёсат дунё эътирофини қозонганини англатади.

### Муаммолар таҳлили ва адолатли ислоҳотлар даври

Инсоният тараққиётга эришгани сари глобал муаммоларни бирга ва ҳамжиҳатликда ҳал қилиш эҳтиёжи ҳам ўсиб бораверади. Шу боис халқаро тузилмалар томонидан энг долзарб масалалар ечимида барча давлатлар салоҳиятидан ҳамкорликда фойдаланиш чоралари кўриб келинмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) қамраб олинган масалалар нуқтаи назаридан бутун инсоният учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, 2015 йилда Ўзбекистон ҳукумати 2030 йилгача бўлган давр учун Глобал кун тартибини амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

➡ 4

**Мулоқот**

## ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ФИКР АЛМАШИЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Германия Ташқи ишлар вазирлигининг Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари бўйича вакили Матиас Люттенбергни қабул қилди.*

Унда томонлар Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорликнинг айни ҳолати ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий, шу жумладан, парламентлараро шериклик, давлатлар ўртасида келгусида амалга оширилиши режа қилинган ишларнинг самарали ижросида парламентлар ролига алоҳида эътибор қаратилди.

**«Халқ сўзи».**

## «The Telegraph»: ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА



*Буюк Британиянинг энг оммабоп кундалик нашрларидан бири — “The Telegraph” газетасида “Ўзбекистонда Буюк Британиянинг тажрибасига талаб ортиб бормоқда” сарлавҳали мақола чоп этилди.*

**Дунё нигоҳи**

Нашрда ёзилишича, Марказий Осиёнинг қоқ марказида, қадимги Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон асрлар давомида дунёдаги энг йирик бозорлардан бири бўлиб келган.

“Зираворларга, тўқимачилик ва қимматбаҳо металларга бой бўлган бу ёрқин тарих пойтахт Тошкентнинг кўчалари ва бозорларида ҳамда дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири бўлган Самарқанднинг айланма хиёбонларида яшашда давом этмоқда, — деб ёзади газета мухбири. — Аммо унинг афсонавий ўтмиши сизни йўлдан чалғитмасин — замонавий Ўзбекистон иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг улкан йўлига чиққанки, улар мамлакатни дунёдаги энг жозибали бозорлардан бирига айлантириши керак”.

Мақолада таъкидланишича, 2021 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 7,4 фоизга ўсди, 2020-2021 йиллар мобайнида экспорт 6 фоизга кўпайди, товарлар импорти эса 19 фоизга ошди.

“Буюк Британия ва Ўзбекистон ўртасидаги яқин савдо муносабатлари мавжудлиги шароитида Британия корхоналари ушбу ўсишдан фойдаланмоғи лозим, — дея таъкидлайди мақола муаллифи. — 2021 йилда мамлакат биринчи бўлиб Буюк Британиянинг кенгайтирилган савдо имтиёзлари тизимига қабул қилинди, бу корхоналарга Буюк Британияга товарларни “ноль” тариф қийматида экспорт қилиш имкониятини берди. Буюк Британия билан икки томонлама савдо ўша йили икки бараварга кўпайиб, 378 миллион фунтдан ошди. Бу кўрсаткични икки бараварга ошириш режалаштирилган”.

Британия нашри мухбири ушбу мақола интиҳосида ёш ва ғайратли аҳолиси ҳамда иқтисодий ва саноат ислоҳотларининг улкан дастури билан минтақавий бизнес мамлакати сифатида Ўзбекистон келажаги ҳеч қачон бунчалик ёрқин бўлмаганлигини қайд этган.

**«Дунё» АА.**
Лондон

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги битимни (Тошкент, 2022 йил 29 март) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 18 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 27 декабрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги битим (Тошкент, 2022 йил 29 март) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 15 февраль
№ ЎРҚ—818

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1) **8-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳкумларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ёхуд жазо турларининг қўлланилишига йўл қўйилмайди»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

2) **9-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** «таржимоннинг» деган сўздан кейин «шу жумладан сурдотаржимоннинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **70-модда** чиқариб ташлансин;

4) **81-модданинг**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар ишдан бўш соатларда, тунги дам олиш учун ажратилган вақтдан ташқари, кинофильмлар ва телекўрсатувлар кўриш, радио эшиттиришлар эшитиш ҳуқуқига эга»;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

5) **84-модда**:

**иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «аёллар ва» деган сўзлар «аёллар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган умумий турар жойлар махсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак»;

6) **88-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жинси, ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва иложи борича, ихтисослиги ҳисобга олинган ҳолда ишлаши керак»;

7) **96-модда**:

**номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**96-модда. Ижтимоий солиқни тўлаш ва маҳкумларнинг пенсия таъминоти**

Жазони ижро этиш муассасаларининг озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлари ижтимоий солиқ бўйича солиқ солиш объектидир»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ижтимоий солиқ тўланган давр озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Муассаса маъмурияти маҳкумнинг жазони ўташи даврида солиқ тўланганлиги ҳақидаги маълумотномани:

маҳкум жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинишидан камида уч иш куни олдин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига электрон тарзда юборади;

жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинаётганида маҳкумга қоғоз шаклида беради»;

**иккинчи – бешинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

8) қуйидаги мазмундаги **$97^1$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$97^1$-модда. Маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини аниқлаш мезонлари**

Жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлиги ушбу Кодекснинг $102^1$-моддасида назарда тутилган комиссия томонидан ҳар чорак якунларига кўра қуйидаги мезонлардан бири асосида белгиланади:

маҳкумнинг меҳнатга виждонан муносабатда бўлиши, белгиланган меҳнат нормаларини бажариши, онгли равишда мустақил ишлаш кўникмаларининг шаклланганлиги, ўқишга ва касб-ҳунар ўрганишга бўлган қизиқиши;

маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасаларида ташкил этиладиган маданий-маърифий тадбирлардаги иштироки, унинг ташаббуси, бошқа маҳкумларга ибрат бўлишга интилиши;

маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасасида ўрнатилган ички тартиб-қоидаларига риоя этиши, маҳкумга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилганлиги, унга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилмаганлиги.

Маҳкумни тузалиш йўлига ўтган ёки ўтмаган деб топиш тўғрисидаги хулоса комиссия томонидан расмийлаштирилади ва маҳкумнинг шахсий йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

Комиссия томонидан тузалиш йўлига ўтмаган деб топилган маҳкумлар билан тарбиявий-профилактика ишлари муассаса психологини жалб этган ҳолда алоҳида режа асосида амалга оширилади.

Тузалиш йўлига ўтмаган деб топилган маҳкум комиссиянинг хулосаси устидан ушбу Кодекснинг 107-моддасида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли»;

9) **102-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан ушбу Кодекс $97^1$-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган мезонлар асосида рағбатлантириш чоралари қўлланилади»;

10) **$102^1$-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумларни рағбатлантириш масалалари, шу жумладан қўлланилаётган рағбатлантириш чораларининг ушбу Кодекс $97^1$-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган мезонларга мувофиқлиги жазони ижро этиш муассасасида тузилган комиссия томонидан кўриб чиқилади ва улар бўйича хулоса қабул қилинади»;

11) **113-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «ижобий тавсифга эга» деган сўзлар «тузалиш йўлига ўтган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **116-модданинг иккинчи қисмидаги**, **118-модданинг иккинчи қисмидаги**, **120-модданинг иккинчи қисмидаги** ва **124-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ижобий тавсифга эга» деган сўзлар «Тузалиш йўлига ўтган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **131-модданинг биринчи қисмидаги** «Ижобий тавсифга эга маҳкума аёлларга» деган сўзлар «Тузалиш йўлига ўтган маҳкума аёлларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **164-модданинг тўртинчи қисмидаги** «маҳкум белгиланган режимга ва меҳнатга виждонан муносабатда бўлса» деган сўзлар «маҳкум тузалиш йўлига ўтган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 15 февраль
№ ЎРҚ—817

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзэнергоинспекция зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар унинг қонуний талабига кўра бепул тақдим этилади;

Ўзэнергоинспекция томонидан ёқилғи-энергия ресурсларини беҳуда сарфлаш, улардан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш борасида давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ назорат тадбирлари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмайди;

Ўзэнергоинспекция ходимлари хизмат гувоҳномалари бўлган тақдирда, сутканинг исталган вақтида истеъмолчиларнинг ёқилғи-энергия ресурсларини ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичларини ёзиб олиш ва уларнинг ҳолати, уланиш схемалари ва қурилмаларини кўриқдан ўтказиш учун ҳисобга олиш ускуналари, схемалари ҳамда қурилмаларини тўсқинликсиз бориб кўришга ҳақли;

Ўзэнергоинспекция Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари ўрнатилишини назорат қилади ва белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан чоралар кўриш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб боради.

4. Бош прокурорнинг ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратни амалга оширишга масъул бўлган **ўринбосари** (кейинги ўринларда — Бош прокурор ўринбосари) лавозими киритилсин.

Белгилансинки, Бош прокурор ўринбосари:

Ўзэнергоинспекция зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни бажаришга амалий ёрдам кўрсатади;

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини мувофиқлаштиради.

Бош прокуратура **икки ҳафта муддатда** ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини самарали ташкил этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

Ўзэнергоинспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини мазкур қарор билан белгиланган устувор йўналишлар асосида янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни самарали амалга ошириш **масъулияти шахсан энергетика вазири Ж.Т.Мирзамаҳмудов** ва **Бош прокурор ўринбосари зиммасига юклансин**.

5. Ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш ва бу борадаги жараёнларни рақамлаштириш мақсадида:

а) мавжуд электр ва газ тармоқлари ҳамда қурилмаларининг юкламаси белгиланган меъёрдан ошган тақдирда, **уларга янги истеъмолчиларни улаш қатъиян тақиқлансин**;

б) **2023 йил 1 мартдан бошлаб**:

назорат тадбирларини амалга оширишда тафовутларни аниқлаш мақсадида Ўзэнергоинспекцияга “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖларнинг электр энергияси ва табиий газни назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларидаги ёқилғи-энергия ресурслари истеъмоли тўғрисидаги маълумотларни мониторинг қилиш имконияти яратилсин;

электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик бўйича тузилган далолатномаларни электрон шаклда расмийлаштириш ва тегишли маълумотларни **“E-ma’muriy ish” тизимига** киритиш тартиби жорий этилсин;

в) **2023 йил 1 июлдан бошлаб** юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар билан электр энергияси ҳамда табиий газни етказиб бериш бўйича шартномалар электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминоти ёхуд “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тузилиши белгилансин.

Бунда:

мазкур тартиб юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун ёқилғи-энергия ресурслари истеъмоли бўйича лимитларни белгилаш ва уларга ўзгартиришлар киритишга ҳам татбиқ этилади;

давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотлар давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига автоматик равишда юборилиши таъминланади;

бюджет буюртмачилари билан тузилган шартномалар ғазначилик бўлинмаларида электрон шаклда (инсон омилисиз) рўйхатдан ўтказилади;

г) **2023 йил 1 октябрга қадар** мавжуд электр энергияси ва табиий газни узатиш ҳамда тақсимлаш тармоқлари ва қурилмалари юкламаси ошиб кетишининг олдини олиш имкониятини яратиш мақсадида улар биоахборот тизимига киритилсин ҳамда электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминоти ҳамда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими билан интеграция қилинсин.

Бунда электр энергияси ва табиий газни узатиш ҳамда тақсимлаш тармоқлари ва қурилмалари мазкур тизимлар билан интеграция қилингандан сўнг электр ва газ тармоқларига уланишда уланиш нуқталари автоматлаштирилган тарзда инсон омилисиз танланади:

д) **2023 йил 1 октябрдан бошлаб** электр ва газ тармоқлари ва қурилмаларини қурищда лойиҳа ҳужжатларини ваколатли органлар билан келишиш тегишлича электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминотлари орқали аниқ муддатларда амалга оширилиши белгилансин.

Энергетика вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “UzGasTrade” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ билан биргаликда электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминотлари ишлаб чиқилиши ва ишга туширилиши ҳамда мазкур бандда назарда тутилган техник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

6. Ўзэнергоинспекция “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ билан биргаликда:

а) **доимий равишда**:

юридик ва жисмоний шахсларга тегишли энергетика объектлари (кейинги ўринларда — объектлар) рўйхатини шакллантириб борсин;

объектларда истеъмол қилинаётган ёқилғи-энергия ресурслари ҳажмини аниқлаб борсин;

объектларда ёқилғи-энергия ресурслари беҳуда сарфланиши ва сифат талабларига риоя этмаслик ҳолатларини аниқлаб борсин ва улар бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрсин;

тизимли асосда ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга оширсин;

объектларнинг тармоқларга тўғри уланганлиги ва ҳисоблагичлар мавжудлиги, уларнинг техник талабларга ва стандартларга мувофиқлигини текшириб борсин, шунингдек, айбдор бўлган мазкур объектлар ходимлари ва уларга хизмат кўрсатган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўрсин;

объектларда ўрнатилган ҳисоблагичларнинг электр энергияси ва табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларига мослигини ўргансин;

б) **ҳар ойда** электр ва газ тармоқлари ҳамда қурилмаларининг юкламалари ва созлигини текшириб бориб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

Бунда Ўзэнергоинспекция **ҳар ойда** Бош прокурор ўринбосари ва энергетика вазирига мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисобот киритиб борсин.

7. Бош прокуратура Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин:

электр энергияси, газ ҳамда водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш орқали талон-торож қилиш ҳолатларини ўғрилик жинояти сифатида белгилаш;

Ўзэнергоинспекциянинг электр энергияси ва газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш (мансабдор шахсларга нисбатан) ваколатини белгилаш;

Ўзэнергоинспекция томонидан берилган ёзма кўрсатма ва тақдимномаларни бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш.

8. Энергетика вазирлиги ва Бош прокуратуранинг қуйидаги маблағларни Ўзэнергоинспекциянинг белгиланган тартибда очиладиган махсус ғазна ҳисобварағига йўналтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

Ўзэнергоинспекция иштирокида ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ қоидабузарликлар бўйича ундирилган зарар суммасининг 25 фоизи;

истеъмолчилар томонидан қувват коэффициентининг норматив қиймати ушлаб турилмаганлиги натижасида юзага келган электр энергиясининг қўшимча йўқотилиши билан боғлиқ тўловлардан “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ филиалларига тушган маблағларнинг 50 фоизи;

Ўзэнергоинспекция томонидан қўлланилган маъмурий жарималар ва иқтисодий санкциялар бўйича ундирилган маблағларнинг 50 фоизи;

Ўзэнергоинспекция томонидан пуллик хизматларни кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда махсус ғазна ҳисобварағидаги маблағлар қуйидаги мақсадларда ишлатилиши назарда тутилсин:

Ўзэнергоинспекция ходимларини моддий рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Ўзэнергоинспекция ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

Ўзэнергоинспекцияга шартнома асосида эксперт ва мутахассисларни унинг зиммасига юкланган вазифаларни самарали бажариш учун жалб қилиш. Бунда шартнома асосида жалб қилинадиган эксперт ва мутахассислар мақоми бўйича Ўзэнергоинспекция ходимларига тенглаштирилади;

Ўзэнергоинспекция вазифаларини самарали амалга ошириш ҳамда ахборот технологияларини жорий этиш ва модернизация қилиш.

9. Энергетика вазирлиги:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2024 йил якунига қадар** электр энергиясининг диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплекси (SCADA), шунингдек, ишлаб чиқаришдан бошлаб якуний истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча жараёнларга электр энергияси ва табиий газни назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари (ЭНҲОАТ, ГНҲОАТ) тўлиқ жорий этилишини таъминласин.

Бош прокуратура мазкур тизимлар тўлиқ жорий этилишини алоҳида назоратга олсин;

б) “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ҳудудгазтаъминот” АЖ билан биргаликда **бир ой муддатда** электр ва газ тармоқларига уланиш учун техник шартлар талаблари ва уларни бериш тартибини халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш ва белгилаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ҳудудгазтаъминот” АЖ Солиқ қўмитаси билан биргаликда **2023 йил 1 июнга қадар** ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, инсон омилисиз қайта ҳисоб-китоб қилиш, етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва Солиқ қўмитаси базасида параллел равишда ҳисобга олишни назарда тутувчи дастурий таъминотни ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

“Ўзтрансгаз” АЖ, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, “UzGazTrade” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ мазкур дастурий таъминотни ишлаб чиқишда истеъмолчилар базасини шакллантириш ҳамда биллинг тизимлари билан интеграциясини таъминлаш мақсадида “UZINFOCOM” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖга барча бирламчи маълумотларни тақдим этсин ва биллинг тизимлари билан боғланишга рухсат берилсин.

11. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда **2023 йил 1 июнга қадар**:

бино ва иншоотлар ҳамда улардан фойдаланиш турларига кўра муқобил энергия, табиий газ, электр энергияси, ирригация, ичимлик сув ва оқова сувлар сарфининг стандарт ҳажмларини қатъий белгилайдиган мезонларни тизимга жорий қилсин;

объектларнинг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини техник шартларни рақамлаштирган ҳолда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали амалга оширсин.

12. Энергетика вазирлиги энергетика тармоқлари тархлари, мавжуд тармоқларнинг жорий ҳолати ва даврий юкламаларини рақамлаштирган ҳолда уларнинг “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимига интеграциясини таъминласин ва **ҳар ойда** маълумотлар базасини янгилаб борсин.

13. Ўзэнергоинспекция **2023 йил 1 майга қадар** ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларни онлайн расмийлаштириш учун барча ходимларни махсус планшетлар билан таъминласин.

14. Энергетика вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда **бир ой муддатда** электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини танқидий қайта кўриб чиқиб, янгиланган қоидаларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Ўзэнергоинспекция тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

16. Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб энергетика вазири Ж.Т.Мирзамаҳмудов ҳамда Бош прокурор ўринбосари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 13 февраль

Давра суҳбати

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Ёшлар масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказилди.*



Унда Президентимизнинг шу йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти, белгиланган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ички ишлар, Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари, Бош прокуратура ҳамда бир қатор тегишли ташкилотлар, шунингдек, ОАВ вакиллари қатнашди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов иштирок этиб, маъруза қилди.

Таъкидланганидек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя қилинишини таъминлашда фундаментал аҳамият касб этади. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда соҳада тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2020 — 2024 йилларда инсон ҳуқуқлари йўналишида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда.

Ушбу босқич ёшларни тенглик, инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва камситмаслик руҳида тарбиялаш ҳамда инклюзив, тинч ва осойишта жамиятни яратишга имкон берувчи таълим беришга қаратилган. Бу мақсадга эришиш учун эса қарорда белгиланган вазифаларни келажакка жавобгарлик ҳисси ҳамда масъулият билан амалга ошириш лозим.

Қайд этиб ўтилганидек, юрт келажаги, соҳалар ривожи, аҳоли ҳаётининг фаровон бўлиши, қонунларнинг ўз ўрнида ишлаши кадрлар салоҳияти билан бевосита боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурида мактабгача таълим ташкилотларидан бошлаб олий таълимгача бўлган жараёнларда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлашда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсонларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жабҳаларда, умуман, ўз ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилишнинг барча жараёнида тўлақонли иштирокини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бундай таълим демократик жамият қуриш мақсадида ҳуқуқлар, эркинликларни англаб етиш ва улардан фаол фойдаланиш, мажбуриятларни бажаришни назарда тутувчи инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини шакллантириш, унга амал қилиш, натижага эришиш бўйича таълимга масъул вазирлик ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда “Йўл харитаси” асосида фаолият олиб бориш бўйича режалари тақдим қилинди. Шунингдек, айни йўналишда мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш чоралари ҳам атрофлича муҳокамадан ўтказилди.

Давра суҳбатида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурида назарда тутилган вазифалар ёшларнинг таълим олиши, ҳуқуқларини билиши, мажбуриятлардан хабардор бўлишига хизмат қилиши таъкидланиб, қарорнинг ижросини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

Конференция

# МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ АСОСЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ДАСТУР ЛОЙИҲАСИ

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Инсонпарвар маърифатли жамият асосларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари: амалиёт ва истиқбол” мавзуида илмий-назарий конференция ташкил этилди.*

Конференция ёшлар онгини радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби бузғунчи ёт ғоялар ва иллатлардан ҳимоя қилиш масаласини илмий жиҳатдан муҳокама этиш, маърифатли жамият асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилди.

Унда Сенат ва Ёшлар парламенти аъзолари, вазирлик ва идоралар масъуллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, соҳа мутахассислари, тадқиқотчилар, экспертлар, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари, ёшлар етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Президентнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида жамиятда ҳар қандай радикаллашув, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланиш, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаслик, бунинг учун барча биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб бориш, бу борада алоҳида миллий дастур қабул қилиш кераклиги келтириб ўтилганди.

Конференция давомида иштирокчилар ўз маърузаларида айни шу жиҳатларга эътибор қаратди. Жумладан, мутахассислар томонидан “Ёшлар ва рақамли дунё: имкониятлар ва таҳдидлар”, “Ижтимоий-маънавий муҳитни баҳолаш муаммолари”, “Ёшларда қадриятлар мўлжаллари тизимида диний ёндашувларнинг ўрни”, “Lifelong Learning парадигмаси ва ахборот жамияти дискурсида XXI аср таълимининг концептуал муаммолари”, “Жадид тараққийпарварларининг халқ маорифи йўлидаги миллий дастури: динийлик ва дунёвийлик — педагогика ёхуд педология”, “Диний экстремизм — жамият тараққиёти ва барқарорлигига таҳдид” ҳамда “Ёшлар ўртасида радикал ғояларга қарши курашнинг долзарб масалалари” каби мавзуларда маърузалар қилинди.

Қизғин савол-жавоб ва муҳокамалар тарзида ўтган тадбирда инсонпарвар маърифатли жамият асосларини такомиллаштириш, маънавий-маърифий ишларни янада ривожлантириш бўйича қатор таклифлар илгари сурилди.

Конференция сўнгида билдирилган тавсиялар қабул қилиниб, унда илгари сурилган таклифлар жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган миллий дастур лойиҳасига тақдим этиладиган бўлди.

**«Халқ сўзи».**

# НАМАНГАНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИ ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНМОҚДА?

*Олий Мажлис Сенати ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар масъул ходимларидан ташкил топган ишчи гуруҳ Наманган вилоятида чорвачилик ва ипакчилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишмоқда.*

## Ўрганиш

Сенатнинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Б. Тожиев бошчилигидаги мазкур ишчи гуруҳ вилоятнинг Учқўрғон туманида кооперация усулида интенсив балиқ етиштириш жараёни ва аҳоли хонадонларида томорқа ерлардан унумли фойдаланиш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича йўлга қўйилган тажрибани кўздан кечирди.

Танишув жараёнида туманда тадбиркорликни ривожлантириш, жумладан, балиқчилик йўналишига алоҳида эътибор қаратилаётгани маълум бўлди. Масалан, Соҳил маҳалласида аҳоли учун балиқ ҳовузлари тайёрланган. Натижада тумандаги 700 нафар фуқарони тегишли “дафтарлар”дан чиқариш имкони туғилган. Ҳозирги пайтда эса лойиҳани янада кенгайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу билан яна 1300 та оилани иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ ҳудудда ноёб турдаги форель балиқлари етиштириш бўйича рўёбга чиқарилаётган янги лойиҳа билан ҳам яқиндан танишди.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 37 миллион доллар бўлиб, у ишга туширилгандан сўнг йилига 2600 тонна бундай балиқ етиштирилиши ҳамда 60 та янги иш ўрни яратилишига эришилади.

Шунингдек, ишчи гуруҳ ўрганишлар давомида Янги Наманган туманида жойлашган “Обид туячилик” фермер хўжалигида бўлди. Айни вақтда фермер хўжалигида 90 га яқин туялар парвариш қилиниб, аҳолига шифобахш сут, гўшт маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Шунингдек, бу ерда қўшимча равишда 2 турдаги балиқ, 20 дан ортиқ ўрдаклар боқилмоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан чорвачилик тармоқларида ҳамда пиллачилик, қоракўлчилик, қўйчилик, эчкичилик ва жун саноатини ривожлантириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш, чорва моллари бош сонига нисбатан озуқа экин майдони етишмайдиган чорвачилик хўжаликларига қўшимча ерларни белгиланган тартибда ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда чорва озуқа экинларини жойлаштириш чораларини кўриш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати таҳлилдан ўтказилмоқда.

Ишчи гуруҳ Поп туманининг Ором маҳалласи ҳудудида бўлган 81 гектар ер майдонига эга иссиқхоналар фаолиятини ҳам кўздан кечирди.

Иссиқхона комплекси умумий ер майдони 81 гектар бўлиб, 50 нафар тадбиркорга бир гектардан, 29 нафарига 0,20 гектардан ер ажратиб берилган. “Туронбанк” АТБ томонидан 62 нафар тадбиркорга 3,9 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилган.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари туманнинг 2-сектор ҳудудида ташкил этилган “Zamin green-world” замонавий иссиқхона комплекси фаолияти билан танишди.

Кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлган, умумий қиймати 61,6 миллиард сўмга тенг, 7 гектар майдонга эга гидропоника усулидаги ушбу иссиқхона комплексида 100 нафар доимий, 150 нафар мавсумий иш ўринлари яратилган.

Ўз навбатида, бир сотихга яқин майдонда 100 га яқин қўйларни боқаётган тадбиркор фаолияти ўрганилди. Эътиборлиси, Фурқат номидаги маҳаллада яшовчи Аҳмаджон Абдуқаҳҳоров мўъжазгина майдонда зотдор қўйларни парваришламоқда. Айни чоғда, у ўз тажрибасини маҳалладошларига ҳам ўргатаётгани таҳсинга сазовор.

**«Халқ сўзи».**

«Ҳукумат соати»



# ПЕДАГОГЛАР ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ

## замонавий таълим-тарбия талабларига уйғунми?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда халқ вакиллари “Педагогика олийгоҳларида замонавий педагогларни тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги масалани муҳокама қилди.*

Мазкур масала юзасидан депутатларнинг саволларига Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири И. Абдураҳмонов жавоб берди.

“Ҳукумат соати”да депутатлар педагогика олий таълим муассасаларида педагогларни тайёрлаш методикаси замонавий таълим-тарбия талабларига уйғун олиб борилаётгани билан қизиқди.

Вазир қайд этганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 14 та педагогика олий ўқув юртида 27 та таълим йўналиши бўйича педагог кадрлар тайёрланяпти. Мазкур таълим муассасаларида педагогларни тайёрлаш методикаси замонавий таълим-тарбия талабларига мувофиқ олиб борилмоқда. Жумладан, 2022/2023 ўқув йили учун таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг 59 та ўқув режа ва 1004 та фан дастури мазмуни тўлиқ қайта кўриб чиқилди ва халқаро талаблар асосида такомиллаштирилди.

Шунингдек, ўқув режалар ва фан дастурларини тайёрлашда хорижий олий таълим муассасаси мутахассислари эксперт ҳамда фан дастурларига ҳаммуаллиф сифатида жалб этилди. Ўқув режа ва фан дастурлари Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси (МСКО+2011) ва халқаро баҳолаш дастурлари (PISA, TIMSS, PIRLS, TALIS)га мувофиқлаштирилди.

Педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасасида таҳсил олаётган 2 — 4-босқич талабаларининг малакавий амалиётини ўташлари учун Президент, ижод ва ихтисослаштирилган, умумтаълим ва махсус мактабларда, мактабгача таълим ташкилотларида “4+2” тартибда амалиёт ташкил этилмоқда. Бу, ўз навбатида, таълим-тарбия ҳамда назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Депутатлар соҳада олиб борилаётган ишларни эътироф этиб, жаҳон тажрибасида узоғи билан уч йилда педагогларни тайёрлашга эришилаётган бир пайтда, педагогларни тайёрлаш учун тўрт йиллик таълим дастури асослими, деган савол билан вазирга юзланди.

Вазир И. Абдураҳмонов таъкидлаганидек, олий маълумотли педагог мутахассислар тайёрлаш жараёнини оптималлаштириш натижасида 2020/2021 ўқув йилидан мусиқа, жисмоний маданият, технологик таълим, чақириққача ҳарбий таълим, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт каби таълим йўналишларининг ўқиш муддати уч йил этиб белгиланган.

Педагогика соҳасининг бошқа таълим йўналишларига давлатимиз раҳбарининг “2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонига кўра, 2022/2023 ўқув йилидан ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш, хусусан, жорий ўқув йилида 4 та таълим йўналиши: математика ва информатика (қўшимча информатика фани ўқитувчиси), педагогика (қўшимча тарбия фани ўқитувчиси), биология (қўшимча табиий фанлар ўқитувчиси), махсус педагогика: сурдопедагогика (қўшимча сурдотаржимон) бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш тартиби жорий қилинди.

Шунингдек, асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш бўлажак педагог кадрлар фаолиятларини самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, педагогларни тайёрлаш учун тўрт йиллик таълим дастури асосли, деб ҳисобланмоқда.

“Ҳукумат соати”да халқ вакиллари умумий ўрта таълим мактабларида тарбия дарсликларини ўқитиш учун махсус педагогик, психологик кўникмаларга эга педагогларни тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан қизиқдилар.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири айтиб ўтганидек, 2022/2023 ўқув йилидан ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш тартиби жорий этилди.

Хусусан, педагогика ва психология таълим йўналиши негизида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб педагогика (қўшимча тарбия) таълим йўналиши ташкил этилди. Бўлажак тарбия фани ўқитувчилари учун олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари томонидан “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Креатив педагогика”, “Ижтимоий педагогика”, “Миллий тарбия”, “Тарбия диагностикаси ва коррекцияси” ҳамда “Умумий ўрта таълим мактабларида тарбия фанини ўқитиш методикаси” мутахассислик фанларидан янги авлод ўқув адабиётлари яратилмоқда.

Бундан ташқари, тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш учун “Умумий ўрта таълим мактабларида тарбия фанини ўқитиш методикаси” фани бўйича ўқув адабиётлари яратилди. Ушбу ўқув адабиётларида бир қатор таълим технологиялари ва методика ҳамда уни ўқитиш учун махсус педагогик, психологик кўникмаларга эга бўлажак педагогларни тайёрлашда ситуатив таълим, бадиий педагогика, буктрейлер, витаген таълим, эвент таълим имкониятларидан фойдаланиб дарс ўтишлари учун тавсиялар бериб ўтилган.

Креатив ёндашув асосида метод ва технологияларни танлаш, миллий менталитетга мослигини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг замонавий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланишга ҳамда касбий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган маъруза ва амалий машғулотлар олиб борилмоқда.

Савол-жавобларга бой бўлган “Ҳукумат соати”да депутатлар соҳа истиқболига қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар беришди.

Муҳокамалар сўнгида кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# СУВ-БОТҚОҚ ҲУДУДЛАРИ МУҲОФАЗАСИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

*Мамлакатимизда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой қарийб бир миллион гектар сув-ботқоқ ҳудудлар ва 500 дан ортиқ кўллар мавжуд. Юртимиз ҳудуди орқали кўчиб юрувчи қушларнинг кўплаб турлари учун сув-ботқоқ ҳудудлар қулай қўнимгоҳ ҳисобланади. Шу боис бундай ҳудудларни муҳофаза қилиш, уларнинг табиий иқлим шароити барқарорлигини сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган ҳайвонларнинг 37 тури, жумладан, қушлар ва балиқлар сув-ботқоқ ҳудудларда яшаши унинг долзарблигини янада оширади.*

## Жараён

Ана шундай масканлардан бири — Айдар-Арнасой кўллар тизими бўлиб, у экологик ҳолат барқарорлигини ва бутунлигини таъминлашда муҳим ҳалқа сифатида алоҳида ўрин тутади. Боз устига кўллар тизими, нафақат қушларни муҳофаза қилиш, балки ўзининг биологик маҳсулдорлиги ва хилмахилликни сақлашдаги ҳамда сувни муҳофазалашдаги ўрни, иқлимий омилларни юмшатишдаги иштироки, рекреацион аҳамияти ва инсон манфаатларига хизмат қилувчи ўзига хос бошқа хусусиятларга ҳам эга.

Шулардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси томонидан мазкур кўллар тизимида амалга оширилаётган ишлар доимий равишда ўрганиб келинаётганини таъкидлаш зарур. Муҳими, шундай ўрганишлар туфайли ҳудуд муҳофазасини таъминлаш, табиий иқлим шароити барқарорлигини сақлаш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилган.

Маълум бўлишича, Айдар-Арнасой кўлларидан унумли фойдаланиш ва уларни асраб-авайлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 мартдаги “Айдар-Арнасой кўллар тизими бошқарувини ташкил этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан муайян ишлар рўёбга чиқарилган. Масалан, “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан Жиззах ва Навоий вилоятларининг кўллар тизимига туташ ҳудудлари хатловдан ўтказилган. Сувни муҳофаза қилиш минтақалари бўйича дастлабки электрон харита яратилган. Жиззах вилояти ҳудудида туризмни ривожлантиришга қаратилган 11 та лойиҳа ишга туширилиб, ички туризм объектлари томонидан 15 млрд. сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилган.

Шунингдек, ҳудудда 2022 йилнинг баҳор мавсумида 200 гектар майдонда ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилиб, 2 километрлик масофада чорвачилик билан шуғулланишни чеклаш бўйича “Экопатрул” тизими томонидан назорат йўлга қўйилган. Айни чоғда тегишли идоралар ҳамкорлигида кўллар тизимида ов қилиш, балиқ овлаш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан ҳамда сув ҳавзаларидан фойдаланиш борасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг ягона электрон базаси шакллантирилган. Қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа тегишли органларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлар дастури — 2022 — 2027 йилларда Айдар-Арнасой кўллар тизимида браконьерлик фаолиятига қарши курашиш, балиқ маҳсулотларини талонторож қилишнинг олдини олишга қаратилган битим имзоланган.

Биргина 2022 йил давомида ўтказилган ҳамкорликдаги тезкор назорат ва кузатув тадбирлари натижасида 634 та маъмурий ҳамда 10 та жиноят иши қўзғатилган бўлиб, айбдорларга нисбатан 473,9 млн. сўм миқдорида жарима қўлланилган ва ундирилган.

Кўллар тизими сув ҳажмини сақлаб туриш мақсадида Мирзачўл коллектори назорат пунктида “ақлли сув” қурилмаси ўрнатилиб, сув ҳисоби олиб борилиши йўлга қўйилган. Келгусида кўллар тизимининг гидрометеорология фаолияти самарадорлигини ошириш, гидрологик кузатувлар тизимини такомиллаштириш мақсадида 2 та гидропост ташкил қилиш режалаштирилган.

Ташқи сув манбаларидан Айдар-Арнасой кўллар тизимига жорий йилнинг 10 февраль ҳолатига кўра, 500 млн. м³ дан кўп чучук сув ташланган. Шунга мос ҳолда келгусида кўллар тизимига ташқи манбалардан қўшимча 1 млрд. м³ чучук сув олиш мақсадида амалий ишлар давом эттирилмоқда.

Умуман, Сенат қўмитаси томонидан бу йўналишда салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бундан кўзда тутилган мақсад эса қарийб бир миллион гектарни ташкил этадиган сув-ботқоқ ҳудудларини асраб-авайлаш ҳамда уларни ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун қулай масканга айлантиришдан иборатдир.

**«Халқ сўзи».**



«Яшил» энергетика:

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ҚУЛАЙЛИК САРИ

*Бугунги кунда энергия тежамкорлигини ошириш, экологик тоза, ноанъанавий ва қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, қайта тикланувчи энергия манбаларидан унумли фойдаланиш ер ости бойликлари захираларини тежаш баробарида экологияга чиқарилаётган зарарли газларнинг миқдорини камайтириш имконини беради.*

## Нуқтаи назар

Шу боис бутун дунёда иқтисодиётнинг турли соҳаларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга катта эътибор қаратиляпти. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам.

Таъкидлаш керакки, юртимизда муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятлари кенг, яъни йилнинг асосий қисми қуёшлидир.

Экспертларнинг фикрига кўра, унинг қуввати 50 триллион 973 миллион тонна шартли ёқилғига тенг бўлиб, мамлакатимизда аниқланган жами энергия захираларига нисбатан анча кўп. Қолаверса, юртимиз табиий шароити қуёш ҳамда шамол энергетикасидан биргаликда фойдаланиш учун қулай ҳамдир. Айниқса, кичик турдаги муқобил энергия манбаларини ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Давлатимиз раҳбарининг “2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори асосида сўнгги йилларда ушбу тизим тараққиёти янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, иқтисодиётнинг энергия ҳамда ресурс сиғими қисқартирилиши, ишлаб чиқаришга энергияни тежайдиган технологиялар кенг жорий қилиниши, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг кенгайиши, энергия самарадорлиги соҳасидаги маҳаллий ишланмалар ва амалий тадқиқотларни, шунингдек, синовдан ўтган илғор хорижий технологияларнинг трансфер қилиниши халқимиз учун муҳим аҳамият касб этди.

Айниқса, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, ушбу манбалар орқали электр ҳамда иссиқлик энергияси билан таъминлаш ҳамда маъмурий-маиший бино ва иншоотларда энергия ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида 2022 йил 9 сентябрда “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилиниши олий таълим муассасалари учун ҳам ғоят манфаатли ҳужжат бўлди.



Жумладан, мазкур Фармон ижроси доирасида ўтган йил охирида 53 та таълим муассасасида 3372 кВтлик қуёш панели ўрнатилди. 55 та олий таълим масканида эса 61 минг литрлик қуёш сув иситиш қурилмасидан фойдаланилмоқда. 34 та олийгоҳда 1585 дона қуёш панели орқали ташқи ёритиш чироқлари ўрнатилган. Бу билан эса муассасаларнинг электр энергияга бўлган эҳтиёжини камида 30 фоиз қисқартиришга эришилди.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда барча давлат олий таълим муассасаларида муқобил энергия манбаларини жорий этиш жадаллик билан олиб борилмоқда. Хусусан, Фарғона давлат университетида ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш бўйича амалий ишлар аллақачон бошлаб юборилди.

Албатта, тараққиётни “яшил” технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Университетнинг ўқув биноларига ўрнатилган қуёш панеллари ҳам таълим даргоҳининг электр энергияга бўлган ички эҳтиёжини сезиларли қоплаётир. Ҳозирда ахборот-ресурс маркази, талабалар тураржойлари, педагогика-психология факультети ўқув биносига ўрнатилган қуёш фотоэлектр станцияси, қуёш сув иситкичлари, шунингдек, олийгоҳ ҳудудидаги ташқи ёритиш чироқларидан унумли фойдаланилмоқда. Айни чоғда, бошқа ўқув биноларини қуёш фотоэлектр станцияси билан таъминлаш чоралари кўрилаётир.

Бугунги кунда Фарғона давлат университетининг бир гуруҳ физик олимлари, профессор-ўқитувчилари ҳамда ёш илмий тадқиқотчилар қуёш энергияси, ноанъанавий энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида турли тадқиқот ишларини ҳам олиб боришяпти.

Жумладан, “Балиқ ҳовузларидаги ҳосилдорликни 3-4 марта ошириш учун қуёш энергияси асосидаги автоном-аэратор” номли инновацион лойиҳа, “Радиоизотоп термогенератор ток манбалари”, “Юпқа пардали термогенераторлар”, “Қуёш батареяларига мослашган термоўзгартиришлар учун яримўтказгичли термоматериалларни олиш технологиясини яратиш”, “Муқобил энергиядан фойдаланиб, инфрақизил нурли қуритиш ускуналарини такомиллаштириш” мавзуидаги лойиҳалар устида қизғин иш кетмоқда.

Мақсад аниқ — инновацион тараққиётдан ортда қолмасдан қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида янги имкониятларни кашф этиш ва бу орқали юртимизда энергия тежамкорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтиришдир.

**Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.**



# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

1

Барқарор ривожланиш мақсадлари 17 та мақсаддан иборат бўлиб, мамлакатимизда уларнинг ҳар бири бўйича кенг қамровли ишлар бажарилмоқда ва асосийси, натижалар ҳам салмоқли бўлаётир.

2030 йилгача бўлган БМТ Бош кун тартибидаги БРМга изчил эришиш мамлакатимиз Президенти бошчилигида олиб борилаётган янги Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакат раҳбарияти БМТнинг тегишли резолюция ва қарорларини амалга ошириш бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда, хусусан, камбағалликни қисқартириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, муносиб таълим-тарбия бериш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, шунингдек, ишлаб чиқилган чора-тадбирларда БРМга эришиш стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш масалалари алоҳида ўрин тутади.

2022 йилда иқтисодиётга 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилингани, пенсия ва ижтимоий нафақалар энг кам истеъмол харажатларидан паст бўлмаган даражага оширилгани, 500 мингга яқин кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатилгани, шунингдек, мамлакат бўйлаб мактабларда қўшимча 500 минг ўқувчи ўрни яратилгани Ўзбекистоннинг ривожланиш йўлидан дадил одимлаётганини кўрсатади.

2023 йил Ўзбекистонда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилинди. Унинг асосий вазифаларидан бири — мактаб таълими сифатини юксалтириш, ўқитувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда уларнинг ролини ошириш этиб белгиланди. Жорий йилда 70 та янги мактаб қуриш, 460 та мактабни кенгайтириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, барча ҳудудда бошланғич синфлар учун бепул овқатланиш йўлга қўйилиши, республикада Европа стандартлари бўйича янги таълим дастури жорий этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президент мактабларида 130 та давлатда тасдиқланган "A-Level" таълим дастури жорий қилинган. Шу йилдан бошлаб халқаро таълим дастурлари асосида мактаб таълимини тубдан ислоҳ қилиш бошланади.

Агар сўнгги олти йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш 27 фоиздан 70 фоизга ошган бўлса, кейинги беш йилда 80 фоизга етказиш учун боғчаларда яна 600 минг янги ўрин яратиш зарур. Шу муносабат билан болалар боғчалари сонини кўпайтириш, тарбия ва таълим сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда олий ўқув юртлари сони 2,5 бароборга, олий таълимни қамраб олиш эса 9 фоиздан 38 фоизга кўпайди. 41 та университет академик ва молиявий мустақилликка эришди. Жорий йилда олий ўқув юртлари талабаларига енгиллик яратиш мақсадида имтиёзли таълим кредитлари учун ажратиладиган маблағлар икки баравар кўпайтирилиб, жами 1,7 триллион сўмни ташкил этади.

2022 йилда илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш учун 1,5 трлн. сўм



йўналтирилди. Бу эса 2017 йилдагига нисбатан қарийб олти баравар кўп, олимларнинг иш ҳақи эса шу вақт ичида 4,5 баробар ошди. Бунинг шарофати билан 18 та янги илмий йўналиш очилди.

Аёнки, инсон ҳаётининг бахтли ва файзли кечиши саломатлик билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, 2023 йилда соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолининг малакали ва сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари ортади, бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми қонун билан белгиланади, давлат тиббий суғуртасига ўтиш жадаллаштирилади. Бундай тизим кейинги йилдан Тошкентда, кейин босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш учун яна 140 та оилавий врачлик пункти ва поликлиника, бориш қийин бўлган ва чекка 520 маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этиш режалаштирилган. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик дастур амалга оширила бошланди. Унга кўра барча туғуруқ мажмуалари тўлиқ модернизация қилинади, ўринлар сони 35 фоиз кўпайтирилади. Айни чоғда Самарқанд, Фарғона ва Хоразмда радиология марказларини очиш лойиҳалари ҳам бошланади.

"Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи" умумхалқ ҳаракатининг йўлга қўйилгани, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик кенг кўламли дастурни амалга ошириш, аҳолини соғлом турмуш тарзига ўргатиш, шунингдек, ичимлик суви ва электр энергия билан таъминлаш, ҳудудларда йўл инфратузилмасини яхшилаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам эътиборга молик. "Маҳалла бюджети" тизимини жорий этиш доирасида фуқаролар йиғинларининг молиявий мустақиллигини ошириш мақсадида шу йилнинг 1 январидан бошлаб мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми маҳаллаларда қоладиган бўлди.

## Амалий ва аниқ натижалар — барчаси инсон учун

Ҳар қандай натижа, аввало, рақамларда акс этади. Шу ўринда келтирмоқчи бўлганимиз — ҳисоб-китобларда ҳам амалий ишлар кўлами яққол намоён.

Хуллас, бу йил уй-жой муаммосини ҳал қилиш учун янги уй-жойлар қуриш ҳажми 1,5 баробар ошиб, хонадон ва якка тартибдаги уй-жойлар 90 мингтага етказилади. Шу билан бирга, имтиёзли асосда ипотека кредитлаш дастурини амалга ошириш ҳам давом эттирилади.

Бундан ташқари, жамоат транспортидаги вазият мутлақо ўзгаради. Тошкент шаҳри учун қўшимча равишда 1 мингта замонавий автобус сотиб олинади, ер усти метросининг 7 та бекати ишга туширилади. Буларнинг ҳисобидан ҳар куни 500 мингдан зиёд пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига қўшимча қулайликлар яратилади. Ҳудудларда ҳам йўловчи ташиш сифатини яхшилаш мақсадида яна 1 мингта автобус ҳаракати йўлга қўйилади. Бу орқали жамоат транспорти бўйича аҳвол оғир бўлган 300 та маҳалладаги 1 миллион аҳолининг узоғи яқин қилинади.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар қатъий давом эттирилаётгани ҳам БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз. Биргина 2022 йилнинг ўзида 100 минг гектар экин ери аҳолига деҳқончилик юмушлари учун бўлиб берилди. Бунинг ҳисобидан 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат етиштирилди.

> 2023 йил Ўзбекистонда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилинди. Унинг асосий вазифаларидан бири — мактаб таълими сифатини юксалтириш, ўқитувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда уларнинг ролини ошириш этиб белгиланди. Жорий йилда 70 та янги мактаб қуриш, 460 та мактабни кенгайтириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, барча ҳудудда бошланғич синфлар учун бепул овқатланиш йўлга қўйилиши, республикада Европа стандартлари бўйича янги таълим дастури жорий этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президент мактабларида 130 та давлатда тасдиқланган "A-Level" таълим дастури жорий қилинган. Шу йилдан бошлаб халқаро таълим дастурлари асосида мактаб таълимини тубдан ислоҳ қилиш бошланади.

Энг асосийси, қишлоқларда 400 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил қилинди, 1 миллион 200 мингдан зиёд аҳоли банд бўлиб, даромад оляпти. Шу боис 2023 йилда ҳам сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектар қўшимча экин майдонларини аҳолига ажратиш белгиланди. Бунинг ҳисобидан қарийб 350 мингта янги деҳқон хўжалиги йўлга қўйилади. Булардан кўзланган мақсад қишлоқларда жуда кўп ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласи ечилади.

Яна бир муҳим вазифа — иқтисодиёт барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25 — 30 миллиард доллар инвестиция киритиш. Президентимиз Ўзбекистон парламенти ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида бунга фақатгина хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкинлигини айтган эди. Шу боис сўнгги уч йилда соҳага 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. 2022 йил декабрда Бухоро, Наманган ва Хоразмда қуввати 500 мегаваттли 3 та қуёш фотоэлектр станциясини қуриш бўйича танлов якунланди. Ўша йилнинг ўзида қуввати 1,5 минг мегаваттли 7 та электр станцияси ишга туширилди.

Бу йил эса яна 4,5 минг мегаваттли 11 та йирик лойиҳани якунига етказиш мўлжалланган. Жумладан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида барпо этиладиган қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан қўшимча 14 миллиард киловатт электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали хонадонларга бериладиган электр энергияси 50 фоизга кўпаяди.

Эътиборлиси шундаки, биринчи навбатда "Инсон шаъни ва қадр-қиммати учун" тамойилларига асосланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси БРМга тўлиқ мос келади. Бу Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясида ҳам ўз ифодасини топган. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари Ўзбекистонда инклюзив ўсишни таъминлаш кун тартибини белгилаб беради.

БРМнинг бажарилиши борасида кўплаб далиллар келтиришимиз мумкин. Бироқ бу барча мақсадга эришиб бўлдик, дегани эмас, ҳали қилиниши зарур кўплаб вазифалар турибди. Уларни амалга оширишда ҳам халқаро ҳамкорликка, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларига таянилади.

Аёнки, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартиби ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадлари инсоният камолотининг ажралмас қисмидир. Шу нуқтаи назардан, БРМ айнан бир миллат ёки давлатнинггина эмас, балки жаҳон ҳамжамиятининг орзу-истагидир. Шундай экан, уни биргаликда, ҳамкор ва ҳамжиҳатликда ҳал этиш мумкин.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат ана шу ҳаётий эҳтиёж асосида йўлга қўйилган. БРМни амалиётга самарали татбиқ этишда Ўзбекистон ҳукумати, энг аввало, БМТ тузилмалари, жумладан, Тараққиёт дастури, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Гендер тенглиги ҳамда аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича тузилмаси ҳамда бошқалар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Ҳар бир йўналиш бўйича дастурлар, "йўл хариталари" жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қуйидаги йўналишларда ҳам фаол иш олиб борилмоқда: атроф-муҳит объектларини (атмосфера ҳавоси, сув, ер, тупроқ, ер қаъри, биохилмахиллик, қўриқланадиган табиий ҳудуд) антропоген таъсир, бошқа салбий таъсир қилувчи омиллардан сақлаш ва сифатини таъминлаш; экологик жиҳатдан кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлар, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланишни йўлга қўйиш; қўриқланадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш; заҳарли кимёвий ва радиоактив моддалардан экологик хавфсиз фойдаланишни таъминлаш; чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш; аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини ошириш ва фуқаролик жамиятининг бу борадаги ролини кучайтириш. Концепцияда кўзда тутилган бу вазифалар тегишли "йўл хариталари" асосида амалга оширилмоқда.

Энг асосийси, барча имкониятлар одамларга муносиб турмуш шароити яратишга сафарбар этилаётир.

## Ўзаро алоқаларнинг юксак самаралари

Эзгу тадбирлар одамларни бир-бирига яқинлаштиради, ҳамжиҳатликка ундайди. Шу маънода айтганда, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган, бу борадаги парламент ва жамоатчилик муҳокамалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тузилган.

БРМга эришишда парламентларнинг фаолияти, ҳақиқатан ҳам, жуда масъулиятли. Парламент аъзоларининг зиммасига, шунингдек, режалаштириш, бюджетни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, амалга ошириш ва БРМга эришиш йўлидаги ютуқларни мониторинг қилиш бўйича қарорларни аниқлаш учун глобал ва минтақавий даражада мамлакатлар ўртасида тажриба алмашишни қўллаб-қувватлаш муҳим вазифа сифатида юклатилган. Шундан келиб чиқиб, яқинда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюцияси дунё миқёсида жуда долзарбдир.

Ҳужжатга мувофиқ, халқаро миқёсда тарғиб қилинаётган "ҳеч кимни ортда қолдирмаслик" тамойили асосида парламент аъзолари саъй-ҳаракатлари COVID-19 пандемиясидан ҳар томонлама, барқарор ва узоқ муддатли тикланишни қўллаб-қувватлаш ҳамда барқарор ривожланиш бўйича ишларни жадаллаштириш юзасидан кўп томонлама ҳамкорликка йўналтирилади. Миллий масъулиятни таъминлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида парламентлар БРМга эришиш жараёнларида, айниқса, ихтиёрий миллий шарҳларни тайёрлашда иштирок этади. Таъкидланганидек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, ёшлар камолоти, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Резолюция БМТ ташкилотлари ва мамлакатлар парламентлари ўртасида қўшимча кўприк ўрнатишга қаратилган. Бу илғор тажриба алмашиш бўйича парламентлараро ҳамкорликни, жумладан, Парламентлараро Иттифоқ доирасидаги ҳамжиҳатликни кенгайтиради, парламент аъзоларининг БРМга эришиш бўйича вазифаларни уддалашда билим ва хабардорлигини оширади, шу билан бирга, самарадорликни кенгайтиради.

Эътиборлиси, дунёнинг 80 та давлати томонидан резолюциянинг БМТ Бош Ассамблеясида бир овоздан қўллаб-қувватланиши ушбу ҳужжатнинг долзарблигини кўрсатади. Бу халқаро ҳамжамият учун муҳим стратегик масалаларни ҳал этишда мамлакатимизнинг роли ортиб бораётганидан ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеи изчил мустаҳкамланаётганидан яна бир далолатдир.

2021 йил 23-24 июнь кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик" халқаро форуми бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича юртимизда олиб борилаётган ишлар ва бу борада миллий парламентимиз ўрни ҳамда шу йўналишдаги халқаро ҳамкорлик натижалари Бухоро форумида атрофлича кўриб чиқилди. Айни чоғда бу тадбир ўзаро тажриба алмашиш учун мулоқот майдони вазифасини ўтади.

Форум якунлари бўйича Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик тўғрисидаги Бухоро декларацияси қабул қилинди. Умуман олганда, нафақат Ўзбекистон тарихида, балки жаҳон миқёсида илк маротаба ўтган форум Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим ўрин тутди.

Мухтасар айтганда, 2023 йил учун ҳам улкан мақсад ва вазифалар белгилаб олган Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги юксак самаралар бермоқда. Умумий тараққиётга хизмат қилувчи бундай эзгу сиёсат изчил давом эттирилар экан, Ўзбекистон раҳбарининг барча таклиф ва ташаббуслари БМТнинг бош мақсадларига мос ва ҳамоҳанглиги билан эътиборга моликдир.

**Мансур ЭШОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА БОҒЧАЛАРНИНГ ҚАМРОВ ДАРАЖАСИ ЯНАДА ОШАДИ

*Бугунги кунда Навоий вилоятидаги мактабгача таълим ташкилотлари сони 1203 тани ташкил этиб, қамров кўлами 2018 йилги 34,1 фоиздан 81,9 фоизга етказилган. Шунингдек, 2022 йилнинг бошида 18 та маҳалла фуқаролар йиғинида мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган бўлса, йил давомида ушбу маҳаллаларнинг 8 тасида 17 та оилавий нодавлат муассаса фаолияти йўлга қўйилди.*

## Ғамхўрлик

Бу ҳақда Навоий вилояти Мактабгача таълим бошқармасининг 2022 йилда амалга оширилган ишлар таҳлили ва истиқболдаги режаларга бағишланган матбуот анжуманида маълумот берилди.

Умуман, ҳисобот даврида янгидан жами 59 та, хусусан, 4 та давлат, 2 та хусусий, 7 та давлат-хусусий шериклик асосидаги ҳамда 46 та оилавий нодавлат МТТ ташкил этилиб, шу ва бошқа қувватлар ҳисобига қўшимча 1 987 нафар бола мактабгача таълим билан қамраб олинди. Қамров Навоий ва Зарафшон шаҳарларида юз фоизга етган бўлса, Учқудуқ туманида 91, Нурота туманида 71 фоизни ташкил қилмоқда.

— Вилоятимизда 6 ёшли болалар сони 20 минг 156 нафарни ташкил этиб, уларнинг 18 минг 503 нафари ёки 91,7 фоизи мактабгача таълим билан қамраб олинди, — дейди Навоий вилояти Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ўткир Тиллаев.

Тизимда бугун 11 минг 646 нафар ходим меҳнат қилади. Уларнинг ярмидан кўпи педагог мутахассислар бўлиб, қарийб 44 фоизи олий маълумотга эга. Янгидан ташкил этилган МТТ ва бошқа манбалар ҳисобидан тизимда ўтган йили 200 та иш ўрни яратилди.

— Ҳозирги кунда вилоятимиздаги 330 та МФЙдан 11 тасида умуман мактабгача таълим ташкилоти мавжуд эмас ва мазкур ҳудудларда нодавлат МТТни очиш чора-тадбирлари бўйича назорат режа ишлаб чиқилди, — дея давом этди Ў. Тиллаев. — Соҳанинг 2023 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига тўхталадиган бўлсак, мактабгача таълим ёшидаги болаларни қамраб олиш кўрсаткичини 84 фоизга олиб чиқиш белгиланмоқда. Хусусан, 64 та турли шаклдаги МТТни янгидан қуриш ва реконструкция қилиш



орқали 3 520 болани тизимга қамраб олиш ҳамда 920 ўринли 44 та бир йиллик мажбурий бепул тайёрлов гуруҳлар ташкил этиш режалаштирилган.

Эътиборлиси, Навоий вилоятида тизимга қамровни кенгайтириш билан бирга таълим сифатини кўтариш, болаларнинг маънавий ва жисмоний уйғунликда мактабга тайёрланишини таъминлаш бўйича ҳам қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА

JAHON IQTISODIYOTI VA DIPLOMATIYA UNIVERSITETI

quyidagi lavozimlarga tanlov e'lon qiladi:

1. Ingliz tili kafedrasi mudiri, professori, dotsenti, katta o'qituvchisi, o'qituvchisi (2);
2. Roman-german tillari kafedrasi katta o'qituvchisi (nemis va fransuz tillari), o'qituvchisi (ispan);
3. Sharq tillari kafedrasi katta o'qituvchisi (xitoy, yapon tillari), o'qituvchisi (xitoy va arab tillari);
4. O'zbek va rus tillari kafedrasi mudiri, dotsenti (o'zbek va rus tillari);
5. Siyosatshunoslik kafedrasi o'qituvchisi;
6. Xalqaro huquq va ommaviy huquq fanlari kafedrasi mudiri, professori.

**Hujjatlar (ariza, fotosuratli shaxsiy varaqa, tarjimai hol, oliy ma'lumot, ilmiy daraja va unvonlar haqidagi diplomlarning nusxalari, ilmiy ishlar ro'yxati) ushbu e'lon chop etilgan kundan boshlab bir oy muddat ichida Toshkent shahri, Mustaqillik shohko'chasi, 54-uy (e-mail: kadrlar_bulimi@uwed.uz, Telefon:71-267-65-40) manzilida qabul qilinadi.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 241. 20 647 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулда босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6